



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ
ВАЗИРЛИГИ**

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат
қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион
ривожланиш вазирлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик**

МЕМОРАНДУМИ

Тошкент – 2022

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
ўртасида ўзаро ҳамкорлик**

МЕМОРАНДУМИ

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, бундан кейин “Томонлар” деб аталувчилар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилиб, икки томонлама муносабатларда хотин-қизларни фан ва техника тараққиётининг йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлари ҳамда инновацион лойиҳаларини самарали амалга оширишларида ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва хотин-қизларнинг ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, Ўзбекистон Республикаси фан ва техниканинг равнақига катта ҳисса қўшаётган мамлакатимиз хотин-қизларини бу борадаги ташаббус ҳамда интилишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш муҳимлигини инобатга олиб, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар.

1-модда. Ҳамкорликнинг мақсад ва йўналишлари

Меморандум самарадорлигини ошириш мақсадида Томонлар қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар:

- илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятга иқтидорли хотин-қизларни кенгроқ жалб этиш, илмий фаолият билан шуғулланаётган хотин-қизларнинг рақобатбардошлигини ошириш, жамият эътиборини республика хотин-қизларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш муаммоларига қаратиш;
- Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларида иқтидорли хотин-қизларни фаол иштирок этиши бўйича мақсадли ишларни амалга ошириш;
- амалий ташаббускор ва инновацион лойиҳалар бўйича “Олима аёл” ва “Бўлажак олим” танлови доирасида “Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танловини ўтказиш;
- мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқларига олима, докторант, мустақил изланувчи, ўқитувчи, иқтидорли талаба, ихтирочи, рационализатор, инженер, конструктор, дастурчи; ихтирочи, шифокор, фармацевт ва мутахассис хотин-қизлар амалга ошираётган техник лойиҳалар, рационализаторлик таклифлар, инновацион ғоя, технология ва ишланмаларни жорий этиш жараёнларида тегишли билим ҳамда маслаҳатларни бериш, олинган натижалар билан халқаро ва республика миқёсидаги танлов, кўргазма, ярмарка ҳамда анжуманларда қатнашишлари учун мақсадли тадбирларни амалга ошириш;
- фан, технология, инжиниринг, санъат, математика (STEAM) ва фаннинг бошқа соҳаларида хотин-қизларнинг илмий-ижодий салоҳиятини ривожлантириш,

шунингдек, ёш олималар сафини кенгайтириш ва тажрибали олималар кўмагида «Устоз-шогирд» анъаналарини янада ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

- иқтидорли хотин-қизлар томонидан бажарилган замонавий талабларга жавоб берадиган илмий изланишлар натижаларини кенг жорий қилишларини қўллаб-қувватлаш, ярмарка ва кўргазмалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий анжуман ҳамда семинарлар ўтказиш, барча тадбирларда иқтидорли хотин-қизларни амалга оширилаётган лойиҳалари натижалари билан қатнашишларини ташкил этиш;

- иқтидорли хотин-қизларни хорижий мамлакатлар олий таълим муассасалари, илмий марказ ва саноат корхоналарида ҳамда республикадаги етакчи корхоналарда малака оширишлари, стажировка ўтишларида ҳамда халқаро анжуманлар, семинарлар, ярмаркалар ва кўргазмаларда қатнашишларида қўллаб-қувватлаш;

- илмий изланишлар олиб бораётган ва инновацион лойиҳаларини амалиётга жорий этаётган иқтидорли хотин-қизларни халқаро танловларда қатнашишлари бўйича мақсадли ишларни амалга ошириш, шунингдек, олима аёлларнинг фандаги ютуқларини жахон миқёсига олиб чиқиш бўйича дастурлар тайёрлаб амалга ошириш;

- инновацион ғоя, технология ва лойиҳалари асосида ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлаётган хотин-қизларга кўмаклашиш;

- олима аёлларнинг илмий фаолиятига оид ютуқларни оммалаштириш ва инновацион ғояларини ривожлантиришни рағбатлантириш, илм-фан бўйича миллий ва халқаро танловлардаги ютуқларини, шунингдек халқаро рейтингларда эгаллаган ўринларини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш.

2-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

Томонлар мазкур Меморандумда назарда тутилган вазифалар бўйича ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича ишчи учрашувлар ўтказадилар ҳамда зарурий маслаҳатлашувларни амалга оширадилар.

Ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида Томонлар:

а) ўз вакилларида иборат ишчи гуруҳларини тузиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларидан мутахассисларни жалб қилиш;

б) ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра, қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган ҳамкорликнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланишлари мумкин.

Меморандум доирасида Томонлар тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш мақсадида йиллик чора-тадбирлар режасини қабул қиладилар.

3-модда. Томонларнинг мажбуриятлари

Томонларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) белгилаб олинган вазифалар юзасидан мунтазам равишда ўзаро таҳлилий маълумотлар алмашиш;

б) Меморандумда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича республика ва халқаро миқёсда конференция, танлов, семинар-тренинг, давра

суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ҳамда унда тегишли мутахассислар иштирокини таъминлаш;

в) ушбу Меморандум ёки унга мувофиқ тузилган бошқа келишувларнинг бажарилиши вақтида ҳар бир Томон бошқа Томонга тақдим этган ёки унда қабул қилинган ҳужжат, конфиденциал ахборотларни ва бошқа маълумотларни ошкор қилмаслик.

Ушбу Меморандум ўз кучини йўқотишдан қатъий назар, Томонлар мазкур модданинг в) банди қоидалари амалда бўлиши тўғрисида келишиб олдилар.

4-модда. Молиялаштириш механизмлари

Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ушбу Меморандумда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун сарфланадиган харажатларни ўз маблағлари, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари, ҳомийлик ва бошқа хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда таъқиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

Ҳамкорлик фаолияти юзасидан алоҳида ҳолатлар бўйича Томонлар қўшимча келишув асосида ўзаро молиявий қўмаклашиш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

5-модда. Маслаҳатлашув

Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

6-модда. Ўзгартириш ва қўшимчалар

Ҳар бир томон ушбу Меморандумга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни бошқа Томонга ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Томонлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгиланган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

Ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ҳамкорлик йўналишлари ёки унга асосланган Томонларнинг мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

7-модда. Низоларни ҳал қилиш

Ушбу Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар Томонлар ўртасида ўзаро музокаралар ўтказиш йўли билан ҳал қилинади.

**8-модда. Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиши ва
ўз кучини йўқотиши**

Ушбу Меморандум юридик кучга эга эмас ва томонларга ҳеч қандай ҳуқуқий ва молиявий мажбуриятларни юкламайди.

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил муддат давомида амал қилади. Томонлар келишуви ўзгармаган ҳолда, ушбу муддат кейинги беш (5) йиллик муддатга ўз-ўзидан узаяди.

Мазкур модда қоидаларидан қатъий назар, томонлардан бири бошқа бир томонни ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш тўғрисида бир (1) ой олдин ёзма равишда хабардор қилиб, унинг амал қилинишини тугатиши мумкин.

Мазкур Меморандум Тошкент шаҳрида 2022 йил "10" май куни икки (2) асл нусхада давлат тилида тузилди ҳамда бир ҳил кучга эга. Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-
қизлар давлат қўмитаси**

100000, Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Мирзакалон Исмоилий кўчаси, 1 Г-уй

**Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш
вазирлиги**

100174, Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Университет кўчаси, 7-уй

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири
ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар
қўмитаси раиси**

**Ўзбекистон Республикаси
Инновацион ривожланиш
вазири**




З.Б.Маҳкамова




И.Ю.Абдурахмонов